КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил 16 июл | 28 (57)- сон


## ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ — ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

## ЯНГИ ВАЗИЯТ — ЯНГИ ИМКОНЛАР ГАРОВИДИР

***Ўтган ҳафта қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «1996 — 1997 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарори Республика олий ўқув юртлари ва халқимиз орасида қизғин мамнуният билан кутиб олинди. Қарорга кўра юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва абитуриентларни сифатли танлаш мақсадида бир қанча янги имкониятлар яратилган. Мухбиримиз шу муносабат билан Тошкент Давлат университети ректори, академик Тўрабек Нўъмонович Долимов ҳузурида бўлиб, қарорнинг аҳамияти борасида у кишининг фикрларини ёзиб олди:***

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори ҳаммамиз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Қарорда Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур маркетинг, молия ва кредит, банк иши, солиқлар ва солиқ солиш, суғурта иши каби муҳим устивор йўналишлар яққол кўрсатилган. Бу ривожланишнинг яна бир муҳим қадамидир. Иккинчидан, олий ўқув юртлари билан бирга абитуриентлар учун ҳам янги вазият туғилди: ўқитиш учун белгиланган давлат грантлари миқдорининг 20 фоизи доирасидан юридик ва жисмоний шахслар пулли-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Эътиборли томони шундаки, илгари жисмоний шахслар учун бундай имконият йўқ эди.

Бундан ташқари қарорда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўқишнинг кундузги шакли бўйича бир ўқитувчи ҳисобига мутахассислиги ва олий ўқув юртининг хусусиятига қараб талабалар сони нисбатини 1/9 гача кўпайтириш ҳақидаги гап бор. Бу дегани ўқитувчилар ўз-ўзидан сараланиб, ўринлар қисқаради. Бироқ қарор давомида бу муаммо янада равшанроқ ечим топади.

Ўқитувчилар ва талабалар нисбати, сони ўзгарса ҳам, олий ўқув юрти иш ҳақи фондининг бўшаб қолган қисмини юқори малакали ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш учун сақлаб қолинган.

Ҳар бир олий ўқув юртида юқори савияда ўқитиш таъминланган ҳолда учтадан махсус қўшимча умумтаълим мактаби ташкил этилиши лозим. Бизнинг ҳудудимизда бундай мактаблар мавжуд. Ўрни қисқартирилган ўқитувчиларни шу мактабларга олий ўқув юртида оладиган иш ҳақи сақланган ҳолда жалб этилади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, контракт асосида ўқитишдан келган пулдан 5 йилгача ҳеч қандай давлат солиғи олинмайди, бу пуллар олий ўқув юрти ходимларини асосий муҳофаза қилишга, замонавий техника базасини мустаҳкамлашга, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлашга сарф қилинади.

Биз ушбу қарор асосида университетимиз кундалик вазифаларини, янги ўқув йилига абитуриентлар қабул қилишни давом эттиряпмиз. Ишонаманки, бу қарор юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, ўқитишни такомиллаштириш, ходимлар ва ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, умуман Ўзбекистонда олий таълимни илғор замонавий даражага кўтаришга мустаҳкам замин бўлади.

*ИСЛОҲОТЛАР ОЙНАСИ*

## «КЕЙС» СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Бу йил республикамиз ғаллазорларида биринчи марта янги комбайнлар пайдо бўлди. «Кейс» деб номланган бу ўрим машиналари Америкадан келтирилган. Хўш, улар бизнинг шароитимизга мосми? Мутахассисларга, умуман одамларимизга маъқул бўлдими? Унинг иш унуми қандай? Биз Сирдарё вилоятига борганимизда аввало шу саволларга жавоб изладик. Мақсадимизни билган туман ҳокими А. Турдиқулов бизни Ховособод давлат хўжалигига бошлади. Хўжалик асосан ғаллачиликка ихтисослашган. Бу йил давлатга 750 тонна ғалла топшириши керак. Туманга келтирилган ягона «Кейс» комбайини ҳам шу хўжалик далаларида ишлаяпти.

— Комбайнга гап йўқ, — дейди ҳаяжонини яширолмай ҳайдовчи Қўзибой Муҳаммадиев. — Бир кунда 25-30 гектар ердаги ғаллани ўраяпман. Кабинасига чиқсангиз, гўё енгил машинага чиққандай бўласиз. Исиб кетсангиз, кондитсионерни ишлатасиз. Бошқарув бутунлай компютерлашган. Мазза қилиб ишлайсиз. Хуллас, бизнинг кўнглимиздаги машина.

— Россия комбайнлари бир гектар ердан 25 сентнер ғалла ўраётган бўлса «Кейс»да ўрилган майдонларда 30 сентнер ҳосил олинаяпти, — дея гапга аралашди хўжалик директори Ўрозбей ака. — Дон нобудгарчилиги бир фоизни ташкил қилаяпти. Фақат битта камчилиги сомонни йиғмай майдалаб кетар экан.

Тасодифни қарангки, ўша куни «Кейс» компанияси вакили ҳам хўжаликда экан.

— Ўтган йилда ишлаб чиқарилган комбайнларнинг 10 фоизини МДҲ давлатлари сотиб олди, — дейди у. — Мен 1995 йилги ғалла ўрими мавсумида Туркманистонда бўлдим. Улар ҳам комбайнимиз сомонни йиғмай, майдалаб кетишидан нолишди. Ҳозир мутахассисларимиз бу ҳақда ўйлашяпти. Балки яқин йилларда бу муаммо ҳам ҳал бўлиб қолар.

Бу йил ғаллакорларимиз республика эҳтиёжига етадиган ғалла етиштиришлари керак. Шунинг учун ҳам далаларда иш қизғин. Ўрим суръатини оширишга айниқса «Кейс» комбайнлари катта ҳисса қўшаяпти. Барча буни бир овоздан таъкидламоқда. Демак, «Кейс» синовдан муваффақиятли ўтмоқда.

**Абдулатиф БЕКМУРОДОВ**

**Суратларда: «Кейс» комбайни; комбайн ҳайдовчиси Қўзибой Муҳаммадиев**





## ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ БАХТИНГИЗ АСОСИ

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим консепсияси ҳужжатида «Таълимни меҳнат билан бирга қўйиш, ўқувчиларни қуйи синфлардан бошлаб ўзларининг соғлиги ва ёшига мос келадиган, уюшган, мунтазам, ижтимоий фойдали меҳнатга — ҳаёт учун зарур бўлган ҳақиқий меҳнатга жалб этишни назарда тутади» дейилади.

Дарҳақиқат, мактабни битириб чиққан ёшлардан, ҳозирги — бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳаётий фаолиятларида дуч келадиган ва бажарилиши талаб этиладиган юмушлар озмунча эмас: овқат пишириш, кир ювиш, ўзига уст-бош тика олиш, кунлик эҳтиёж маҳсулотларини даромадига қараб сотиб олиш, ҳосилни келаси йил ҳосилгача сақлай билиш, савдо-сотиқда ўз ҳақини ажрата билиш, ер ва сиртларни ўлчай билиш, ҳажм бирликларини фарқлай олиш, девор чиқариш, ерга ишлов бериш, деҳқончиликдан хабардор бўлиш, дарахтларни пайванд қилиш, чорва молларини парваришлаш, тайёр маҳсулотларни бозорда ўз қийматида сота билиш, чорва моллари учун тайёрланган озуқаларни ўлчаш, электр ва газ асбобларидан, иситиш ва совутиш мосламаларидан, телерадио воситаларидан фойдаланиш, сигнализатсия ўрната билиш ва уни ишлатиш, кимёвий аралашмалар тайёрлай билиш, хўжалик ҳисоботига тушуниш, иқтисодий тежаш, назорат қилиш, бозор иқтисодиёти муносабатлари ва қонунларини билиш, техникадан бенуқсон фойдаланиш, муҳтож инсонга биринчи ёрдам кўрсатиш, даврада ўзини тутиш, ораста кийиниш, ор-номусли, ҳаёли бўлиш, келаси авлодни тарбиялаш, инсонпарвар ва одамий бўлиш, кекса авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни эъзозлаш, жаҳонгашта, нутқи равон ва ҳозиржавоб бўлиш, шахмат ва нард ўйнай билиш, мусиқа асбобини чалиш, керакли юқори идорага мурожаат қила билиш ва ҳоказолардир. Бу воситаларни ёшлар уйда, мактабда ва бошқа маърифий масканларда: матбуот, радио, телекўрсатувлар орқали олишлари зарур, аммо ҳозирги пайтда ўқувчиларнинг ёшига мос, дунёқарашига тўғри келадиган ахборотларни улар ота-она тарбиясидан, мактабдаги билим-тарбия жараёнидан, бошқа маърифат масканларидан олаётганлари йўқ. Шуларни ҳисобга олиб ҳозирги кун талаби асосида ўрта мактаб ўқув режа ва дастурларимизга айрим ўзгаришлар киритиш лозим деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари учун тақдим қилинган ўқув режаси давлат аҳамиятига эга бўлган меёрий ҳужжат бўлиб, жаҳон таълимининг ривожланиш даражаларига, халқ таълими тараққиётининг ҳозирги кундаги вазифаларига жавоб беради. Ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонуни, умумий ўрта таълим фанлари бўйича қабул қилинган консепсиялар, умумтаълим мактаби ҳақидаги низом, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари асосида тузилган.

Яқинда Бухоро шаҳрида ўтказилган республика педагогик ўқишларида Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев: «Ҳар бир даврнинг мактабга ўз талаби бўлади. Бугунги талаб — бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган, ишлай биладиган ёшларни тарбиялаш... Бинобарин, ўқувчиларга иқтисодий билим асосларини ўргатиш таълим жараёнидаги устивор йўналишлардан. Иқтисодий билим асослари фани шу кунгача мактаб ихтиёридаги соатларда ўтилади. Эндиликда у давлат ихтиёридаги соатларда, яъни ўқув фанлари таркибига киритилади. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ўзининг иккинчи — ҳал қилувчи босқичига кирди. Жамиятимизда рўй бераётган бу иқтисодий ўзгаришлар мактаб жараёнида тўлиқ акс этиши лозим. Ҳозир «Иқтисодий билим асосларини» ўқитиш юзасидан консепсия, дастур ва дарсликлар яратиш ишлари бошлаб юборилди. Иқтисодий билим асослари боғчадан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим жараёнини қамраб олади» деди.

**(давоми иккинчи бетда.)**

## ЭРТАНГИ КУН МУБОРАК!

Бу сарлавҳа сизни ажаблантирмасин. Куни кеча мамлакатимиз телевидениесида Асакада ишга туширилаётган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳақидаги филм намойиш этилди. Улкан иншоотларни, уларга ўрнатилган мўъжизакор ускуналарни, цехлардаги тартиб ва озодаликни кўриб шу юртнинг ҳар бир фуқароси каби, менинг кўнглимдан ҳам ғурурбахш туйғулар кечди. Айниқса, ана шу завод маҳсулоти — уч филм давомида катта автосалонда айланиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг қудратини, улкан илмий-техникавий салоҳиятини, халқимизнинг яратувчилик меҳнатини, юртимизнинг кўрку жамолини кўз-кўз қилаётгандек!

Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналардан бири «Нексиа» деб аталади. Бу ўзбекчада — эртанги кун деган маънони англатади. Шу боис, ана шу заводни қурган, унда ишлаётган ватанимиз фарзандларини эртанги кунни — яъни орзу қилган буюк келажагимизни яқинлаштираётганларга менгзагим, халқимизга эса «Эртанги кун муборак!» дея хитоб қилгим келди.

«ЎзДЭУавто» бизга нимаси билан қадрли? Аввало, халқда «Ўзингда йўқ — оламда йўқ», деган нақл бор. Биз бу ҳақиқатнинг аччиқ мевасини тотиганмиз. Битта «Жигули» оламан деб ўн йиллаб навбатда турганлар, шўро замонининг сўнгги йилларида заёмига енгил машинага етарли ютуқ чиқиб, лекин уни ололмай сарсон-саргардон бўлганларни биламиз. Сабаби, бу машиналар бизда чиқарилмас, бировнинг қўлига қараган эдик. Энди бу мақолни «Ўзингдан чиққанига не етсин!» деган нақлга алмаштирадиган пайт келди.

Бу мўъжиза заводнинг яна бир ҳайратланарли жиҳати — қисқа муддатда қуриб битказилгани, давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, елкама-елка ишлаш оламшумул натижалар беришини намойиш этганидир. Қолаверса, тайёрга айёр бўлиб ўрганган баъзи бировлар орзу қилаётганидек, мажбурий равишда тиқиштирилаётган «чуқур интегратсия» эмас, кўнгилли, икки томонлама манфаатли иқтисодий шериклик афзаллигини бутун оламга кўрсатиб берганидадир.

Бу қўшма корхонанинг иқтисодий ислоҳотларимизга таъсирига келсак, бу ерда, аввало, жаҳон бозорида рақобатбардош машиналар чиқарилади. Бу ёш, мустақил давлат учун катта ютуқ, албатта. Ишлаб чиқариш ҳажми ортгани сари ишловчилар сони ҳам кўпайиб бораверади: заводда, лойиҳада кўзда тутилганидек, йилига 200 минг машина тайёрлана бошлагач, бу ерда 4,5 минг нафар муҳандис ва ишчи хизмат қилади. Фарғона водийсидек аҳолиси тиғиз ҳудуд учун бу нечоғли аҳамиятга эга эканини айтиб ўтирмаймиз. Бундан ташқари, 2000 йилга бориб бутловчи қисмларнинг 70 фоизи Ўзбекистон, ён қўшниларимиз — Қозоғистон ва Қирғизистондаги заводларда ишлаб чиқарилади. Бу ҳам қанча-қанча буюртма, янги иш жойи демакдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, завод мамлакатимизда миллий ишчилар синфи шаклланишида, одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгаришида, айниқса ёшлар юрагида илғор технологияга ҳавас ва рағбат уйғонишида муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу ерда ишлаётганлар билим даражаси, интизоми, одоби билан биз билган «ишчилар»дан кескин фарқланади.

Энг муҳими, «ЎзДЭУавто» заводи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғрилигини яна бир карра исботлайди. Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида, жаҳон иқтисодий жараёнига қўшилишида залворли қадам бўлади. Юртимиз, халқимиз обрўсига обрў қўшади.

Биз «мустақиллик, истиқлол дейсиз. У бизга нима берди?» деган саволга ҳамон дуч келамиз. Бу қитмирона гапни кўпроқ узоқни кўра олмайдиган ёки қорнидан ўзга ғами йўқ одамлар айтади. На чора! Бутун давлат қурилишини, жамиятни, иқтисодни ислоҳ қилиш ўз-ўзидан бўлмас экан! Истиқлол берган озодлик, эрк, қайта тикланган миллий қадриятлар, демократиялаштириш жараёнини қадрлаш туйғуларини одамлар юрагига сингдириш — уларнинг дунёқарашида ўзгариш ясаш қийин кечар экан!

Ўтмиш даврининг муваққат қийинчиликларига қарамай, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлар, нефт ва ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, шукрки, бирин-кетин самара бера бошлади.

Шу маънода, Асакада чиқаётган машиналаримиз, таъбир ўринли бўлса, мустақиллигимизнинг, тилдаги эмас, балки, кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўладиган амалдаги илк натижаларидан биридир. Ана шу неъмат барчамизга муборак бўлсин. Шундай неъматларимизга барака бераверсин, буюк келажагимиз тобора яқинлашаверсин!

**Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**
**(ЎзА)**

## ОЗОД МИЛЛАТ ТУЙҒУСИ

Халқимиз, жамиятимиз, ватанимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеаларни кенг ва ҳаққоний ёритаётган «Мулоқот» журналининг навбатдаги 4 (июл-август) сони босмадан чиқди. Ўзбекистон истиқлоли арафасидаёқ, 1991 йилнинг баҳоридан бошлаб, журнал саҳифаларида соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида туркум мақолалар берилиб, халқимизга манзур тушган эди. Ўшандан буён «Мулоқот» саҳифаларида ватанимиз тарихи, маънавий маданиятининг ноёб хазиналари, миллий истиқлол мафкураси муаммолари, Қуръон ва Ҳадис, калом ва тафсир илмига оид илк манбалар ва муҳтарам уламоларимизнинг тадқиқотлари мунтазам ёритилиб борилди.

Журналнинг бу сонида ҳам миллий истиқлол, озод ва обод ватан қуриш йўлидаги янги муаммолар қаламга олинган. «Боқимандалик — тараққиёт заволи» мавзуидаги давра суҳбатида иқтисод фанлари докторлари Расулмат Ҳусанов, Қаландар Абдураҳмонов, Одилжон Олимжонов ва журнал бош муҳаррири Барот Бойқобилов ўтмиш тузумдан мерос қолган «Бизни давлат ҳамма нарса билан таъминлаши керак» деган тушунча ўрнига эндиликда ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан фаровонликка эришамиз, деган шиор асосий мақсадимиз дастури бўлиши зарур, деган ғояни илгари суралилар.

«Мулоқот» журналининг бу сонида атоқли тарихчи Мансур Олтин ўғли «Амир Темурнинг маънавий салоҳияти» мақоласида ёзишича, соҳибқиронга подшолик мерос қолган эмас. Уни кучлар тенг бўлмаган узоқ курашда тантилик билан, зукколиги, доно мушоҳадасига таяниб, ғалаба қилиб олди. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонлари, иқтисодий, молиявий, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо, маданият, фан, меъморчилик, ҳарбий, халқаро алоқалар, ислом дини, шариат ва бошқа соҳалар мутаносиб ривожланди. Бобокалонимиз маънавиятининг ум-




монийлигини, тиниқлигини — унинг ниҳоятда камтар, ҳазил-мутойибага мойил..., катта-кичик мухолифларига нисбатан кечиримлилигида, ҳар бир тоифа, (турли) мансабдаги инсонларга алоҳида эҳтиром билдиргани, фан, маданият, адабиёт, санъатга, меъморчиликка муносабатида... намоён бўлган».

Файласуф олим Ҳайдар Алиқулов «Амир Темур — илм, фан ҳомийси» мақоласида соҳибқирон ҳурмат қилган атоқли уламолардан бири Мир Саййид Шариф Журжоний ҳаёти ва ижоди билан танишасиз. Навоийшунос ва бобуршунос олим Ҳасан Қудратиллаев «Бобур — Амир Темур салтанати вориси» тадқиқотида темурийзодаларнинг феъл-атвори, табиати, яхши, ёмон қилмишлари ҳақида фикр юритади.

«Истиқлол фидойилари» рукнида Ҳамидулла Болтабоев шарҳи билан берилган устоз Фитратнинг «Шеър ва шоирлик» мақоласида бу сеҳрли санъат сирлари ҳақида теран фикрларни ўқийсиз. «Ёзувчи ижодхонасида» рукнида таниқли адиб, «Спитамен» ва «Ибн Сино» романи муаллифи Мақсуд Қориев билан адабиётшунос олим Маҳкам Маҳмуднинг суҳбатида ватан муқаддаслиги ҳақида фикр юритилади.

Ёш олимлар Ш. Ғаффоров ва Ж. Элтузаровнинг «Озод миллат туйғуси» мақоласида ватанга муҳаббат мавзуи эҳтиросли сатрларда изҳор этилган.

Расул Раҳмон ва Тошпўлат Усмоновнинг «Қуръон ва ақлий тарбия» мақоласида Каломи шарифнинг авлодлар хулқи, одоби, ақлий камолотига таъсири ҳақида гап боради.

«Мулоқот» журнали йил бошидан буён Алишер Навоийнинг азиз-авлиёлар ҳаёти ҳақидаги «Насойимул-муҳаббат» асаридан илгари эълон қилинмаган бобларини бериб бормоқда. Бу сонда ана шу нодир асардан Имоми Аъзам, Имом Шофиъ, Имом Аҳмад Ханбал, Имом Молик, Фузайл Аёз, Маъруф Кархий таърихлари билан танишасиз. Наим Каримовнинг «Ойбек ва жадидчилик» мақоласида атоқли адибнинг ижодий жасорати очиб берилади.

«Мулоқот» журналхонларидан келиб турган мактубларнинг энг муҳимларини эълон қилиб боради. Бу сонда ҳам бир неча қизиқарли мактублар берилган. Жумладан, журналхон Аҳмаджон Рашидовнинг «Нега Навоийни тушунмайсиз?» деган саволига адиб ва олим Маҳкам Маҳмуднинг жавобини ўқийсиз.

*«МТ»: воқеалар, хабарлар*

## ҲУЖЖАТЛАР — ДАЛОЛАТЛАР

Буюк инсонларнинг мураккаб ҳаёти, турмуш тарзи, тарих саҳнасида тутган ўрни мудом авлодлар диққат марказида бўлиб келган.

Айтишларича, Наполеон ҳақида ёзилган рўмонларнинг ўзи юздан ошиб кетган; илмий тадқиқотларнинг-ку, сон-саноғи йўқ. Кино соҳасида ҳам, афтидан, улоқ фаранг императорида кетганга ўхшайди. Зеро, у зот хусусида Масков орқали намойиш қилинган бадиий филмларнинг ўзи ўндан ортиб кетди-ёв...

Ҳар нечук, улуғ зотлар улуғ эътиборга муносибдирлар.

Ёдингизда бўлса, бундан учтўрт йил бурун Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида ҳам кенг кўламли бадиий филм суратга олинармиш, деган гаплар матбуотда ёзилган ва ҳаттоки бош рол ижрочиси ким бўлиши керак деган мавзуда жиддий баҳслар ҳам бўлиб ўтганди. Аммо баҳслару хабарлар ўз йўлига. Муҳими шуки, ҳозирча бу кино дунё юзини кўрмади шекилли. Вақт эса одатдагидек шувиллаб ўтиб кетмоқда.

Биз янги аср остонасида турибмиз. Назаримизда, бизнинг асримизнинг сўнгги чораги мисоли келгуси юз йиллик ҳам тезлик, информатсиялар асри бўлади. Дейлик, замонамиз талабларига мос тарзда иш кўриб, зарур рақамни қалин-қалин маълумотномалардан эмас, компютер тугамачасини босиш орқалигина олиш кўникмасига эга бўлиб бораётган авлод учун аксар ҳолда кино-телевидение дунёқарашини шакллантиришга хизмат этувчи асосий унсурлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Хуллас, кинога эҳтиёж ошиб бормоқда. Ҳужжатли экранга-ку, инчунин.

Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, Амир Темур ва темурийлар тарихига оид илмий-оммабоп, ҳужжатли филмлар кўрик-танлови ўтказиш ҳақида ўтган ҳафта матбуотда эълон қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши эътиборга молик.

Ҳаққоний, ҳужжатларга асосланган бундай филмлар жуда зарур. Тадбирнинг кўрик асосида ўтказилиши, нуфузли ҳайъат ташкил этилганлиги эса унинг салмоғини, аҳамиятини янада оширади.

Албатта, асосий гап, илмий-оммабопми, ҳужжатлими, — аталишининг аҳамияти йўқ, — яхши кўримли кино асари яратилишида.

Биз шундай жаҳонга чиқадиган миллий салмоқли, филмларни орзу қиляпмиз.

## ТОМЧИДА ҚУЁШ

Томчида қуёш акс этади. Аслини олганда ҳам, Достоевский ёзганидек, умумийлик — хусусийликлар йиғиндисидир. Ҳар қандай улуғ воқеалар ҳам —- кичик ҳодисотлар жамланмасидир.

Ўзбекистон ҳукумати делегатсиясининг АҚШга сафари ғоятда самарали ўтганидан хабарингиз бор, албатта. Мана шу сафар чоғи, Вашингтонда республикамиз элчихонаси очилиши маросимида америкалик профессор, Карл Криппес Президентимиз Ислом Каримовга Кенсингтон шаҳри нашриётида чоп этилган «Ўзбекча-инглизча луғат»ни тақдим этди.

Эътиборли томони шундаки, 20 минг сўзлик ушбу луғат тўлдирилган ҳолда иккинчи марта нашр қилинган экан...

## МАШИНА КАРВОН-КАРВОН...

Аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида бунёд этилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш суръатини ўзи яратаётган машиналар тезлигига мос равишда тобора ошириб бормоқда. Яқиндагина бу ерда «Дамас»дан кейин иккинчи бўлиб, «Тико» русумли автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди.

Ҳозирги кунга қадар икки мингга яқин маҳаллий мутахассислар Жанубий Кореяда ўз малакаларини ошириб келдилар. Йил охирига қадар яна 500 нафар ходим саноати ривож топган бу мамлакатда бўлиб қайтадилар.

«Дамас» микроавтобус-юк ташиш фургони, «Тико» миниавтомобилидан сўнг тез кунларда корхонада ўрта классдаги «Нексия» русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарила бошланади. Умуман, корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилига оз эмас, нақ 200 минг автомобил чиқаради.

**Ф. СОАТОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК ШАРОИТИДА

Жамиятнинг сиёсий тизими ва унинг ривожида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Партия жамиятнинг муайян бир бўлаги, айрим шахсларнинг, ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларининг қарашларини, мақсад-манфаатларини ўзида акс эттирувчи сиёсий куч сифатида, уларни ўз атрофида бирлаштиради, муайян ғоя, мақсад ҳамда уни амалга ошириш йўл-йўриқлари билан қуроллантиради.

Турли жамиятлар сиёсий тизими бир партиялик, икки партиялик ва кўп партиялик билан характерланади ва улар ўртасида муайян ҳуқуқий асослар, нормалар мавжуд.

Жаҳон давлатчилиги тажрибасидан маълумки, сиёсий партиялар бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқли суратда парламентда, ҳукуматда иштирок этиш учун очиқчасига ва қонуний асосларда ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ўзига хос сиёсий тизим ва кўп партиявийлик тамойилига амал қилиб, уни юзага чиқаришда дунёвий ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқда.

Ўзбекистон Республикасида янги жамият қуришнинг ҳозирги босқичида кўп партиявийликни адолатли, демократик фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омили сифатида жамият сиёсий тизимидан чуқурроқ ўрин олишида янги имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга имкон туғдирмоқда. Демократик жараёнларни чуқурлашувида сиёсий партиялар муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирокини таъминлаш тадбирлари белгиланмоқда.

1996 йил 16 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида бу масала алоҳида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон давлати ва жамиятимиз яқин ўтмишда босиб ўтган йўллар ва бугун бошимиздан кечираётган вазиятни инобатга олиб, авваламбор, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш ва барқарор этиш, янги тузилган ва тузилаётган партияларнинг кенг фаолият юритишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг ХДП сафидан чиқиши тўғрисидаги қарори ҳақидаги Пленумдаги баёноти муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳамма вақт жамиятнинг сиёсий-ижтимоий тизимининг таркибий қисмини ташкил этган, унга давлат ва жамиятни, ҳокимият билан халқни боғлаб турувчи бўғин сифатида қараб келинган. Сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий ривожланиши турли хил сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган шароитдагина эркин, демократик жамият қурилишининг ажралмас қисмига айланиши мумкин.

Шунда сиёсий партиялар тўғрисидаги мавжуд қарашлар ўзгаради ва фуқароларда кўп партиявийликни жамиятдаги беқарорлик, сиёсий ихтилофлар ҳамда ўзаро келишмовчиликларнинг манбаи сифатида эмас, аксинча демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим шарти сифатида қараш қарор топиб боради.

Сиёсий партиялар ва унинг лидерлари ҳам муайян ижтимоий кучларга таянади, аммо синфийлик унинг фаолиятининг асосий тамойили бўлмаслиги керак. Сиёсий партиялар жамиятдаги аҳолининг нисбатан кенгроқ қатламига таяниши, турли хил ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларининг қарашлари, манфаатларини ўзида ифодалаши билан бирга у асосан реал инсон мақсадлари ва манфаатлари, умуминсоний тамойилларга бўйсундирилган бўлиши лозим.

Сиёсий партиялар республикада янги жамият қуришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, амалий таклифлар билан чиқишда ҳам тўла ташаббускор бўлишлари зарур.

Жамият сиёсий тизимида муҳим демократик институт ҳисобланган парламент йиғилишларида ўзларининг муқобил таклифлари билан чиқишга шарт-шароит яратиб берилаётганлиги, муқобиллик асосида Президент сайлови, кўп партиявийлик тизимининг жорий этилганлиги жамият сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётининг тобора демократлашиб бораётганлигини, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Президентлик Республикаси шакли билан бошқаришнинг демократик асослари ўртасида тўла мувофиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу давлат ҳокимиятини бошқаришнинг жамоатчиликка асосланган шарқона демократик кўриниши билан тўла мувофиқ келади. Шарқда жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришда шахснинг муайян партияга, синфга мансублигига қараб эмас, фозиллик, юксак маърифатлилик, комиллик каби фазилатлари кўпроқ қадрланган ва унга зарур хислатлар сифатида ёндошилган.

Маълумки, давлат ҳокимиятининг бошқариш шакллари хилма-хил бўлиб, Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги табиий. Унинг бирон-бир шаклини андоза сифатида шунчаки қабул қилиш ёки бошқариш шаклларини ўзаро синтез қилиш йўли билан демократиянинг ягона моделини яратиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир давлат демократиянинг у ёки бу шаклини ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бойитиши, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланиши, шу мамлакат аҳолисининг хоҳиш-иродаси билан тўла мувофиқ тушади. Демократиянинг дунёвий тамойиллари асосида давлат ва жамият бошқарувининг умумий жиҳатлари намоён бўлади.

Президентликка турли жамоат уюшмалари билан бир қаторда, сиёсий партияларнинг ўз партиясидан номзод кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва ғалабадан сўнг у ёки бу етакчи партия номидан Президентнинг давлатни бошқариши дунёдаги айрим давлатлар тажрибасидан маълум; Ўзбекистон Республикасига Президентликка номзод кўрсатишда ҳам тегишли жамоат ташкилоти билан бирга мавжуд сиёсий партиялар ҳам тенг асосда иштирок этди ва уларнинг сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари учун зарур бўлган имкониятлар яратиб берилди.

Аммо, Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин, у ғалаба қилган партия номидан эмас, аксинча халқ номидан иш кўришининг ўзига хос прогрессив, сиёсий-ижтимоий, маънавий жиҳатлари борки, бу дунёда давлат ва жамият қурилиши амалиётини янада бойитади. Ўзбекистон танлаган йўлининг моҳияти билан тўла мос тушади. Бундан ташқари бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Маълумки, Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин бирор-бир партия етакчи партияга айлангани йўқ, тўғрироғи, айлантирилмади. Ўйлаймизки, бу **биринчидан,** Конституциянинг мавжуд нормаларига ҳам тўла тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида «Ўзбекистон номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас», — дейилади; **иккинчидан,** республика сиёсий тизимининг кўп партияликка асосланганлиги, жамият ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳар бир сиёсий партияни қонун доирасида, ўз фаолиятларини эркин амалга оширишда ҳам зарур шарт-шароит яратиб беради, мавжуд, демократик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади; **учинчидан,** партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиради. Президентлик-сиёсий ҳокимият институти сифатида, ҳар қандай сиёсий партия, жамият бирлашмалари, ҳаракатлардан фарқли равишда алоҳида ўзига хос мақомга эга. У айрим гуруҳ, қатлам қарашлари, манфаатлари номидан эмас, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланган халқ номидан иш кўради, миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланади. **Тўртинчидан**, сиёсий партияга нисбатан синфийлик тамойли нуқтаи назардан ёндашиш, сиёсий курашлар орқали ҳокимиятга даъвогарлик қилиш йўлини ҳамма давлатлар учун ҳам ягона ва бирдан-бир мақбул йўл деб бўлмайди. Мустақил, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланаётган ҳар бир давлат ва ҳокимиятни бошқаришда шу халқнинг менталитети, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиши мумкин. Бу жамият ва давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишга, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлашга ва мустаҳкамлашга ҳар жиҳатдан кўмаклашади; **бешинчидан,** мустақил равишда, адолатли, демократик, фуқаролик жамиятини қуришни асосий мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикаси сиёсий-ижтимоий ҳаётида кўп партиялик нисбатан янги жараён бўлиб, у маълум маънода ҳали шаклланиш даврини ўз бошидан кечирмоқда. Мавжуд сиёсий партияларни ҳаммасини ҳам уюшганлик, сиёсий етуклик даражасини белгилашда, халқни ўз орқасидан эргаштира олишда, Мустақиллик, демократия, эркинлик, жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишида, муайян ўтиш даври талаб этилади. Сиёсий партияларнинг ҳар бири ва ўзаро муносабатларда катта сиёсий тажрибага, ягона мақсадга эга бўлишлари муҳим.

Бундан ташқари собиқ Совет Иттифоқи сиёсий тизими орқали ўтган «партиянинг раҳбарлик, йўлбошчилик» ролидан, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик, марказлашган бюрократия, мафкура ва тафаккурдаги бир-хиллик иллатларидан, «партия раҳбарлиги асосида» амалга оширилган ишларнинг салбий оқибатларидан ҳали ижтимоий фикр тамомила қутулгани йўқ. Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни тўғрисида фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари ҳам ўзгариши керак. Сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг бу ишончини тўла қозониши учун ўзларини халқ билан бирга қўйишлари, инсонга энг улуғ ҳилқат сифатида қарашлари, буни ўз амалий фаолиятларининг муҳим тамойилига айлантиришлари зарур.

Бу давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги дунё тажрибасини, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги қарашларини янада бойитади. Бу йўл кўп партиявийликка — адолатли, демократик жамият қуришнинг муҳим омили сифатида қарашга, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиб беради.

Жамиятнинг демократлашганлик даражаси сиёсий партияларнинг миқдори ёки унинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланмайди. Ҳақиқий демократик жамият шу жамиятдаги барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни, фаолиятни таъминлаб берганлиги, унинг кафолатланганлик даражаси билан, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик, мустақиллик каби тамойиллар билан белгиланади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки партиялар ўз вазифасини тўла бажариши, мамлакат тараққиётига тегишли ҳисса қўшиши учун уларга дастлабки тенг имкониятлар яратиб берилиши керак. Бу айниқса кўп партиявийлик шаклланаётган ва ўз йўлини белгилаётган Ўзбекистоннинг ҳозирги ўтиш даврида жуда муҳимдир.



Сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратишнинг кўпгина воситалари бўлиб, улар орасида давлат бошлиғи — Президентнинг партияга мансублиги масаласини тўғри ҳал қилишдир.

Шунинг учун кўпгина демократик мамлакатларда Президентлик лавозимини ҳар қандай партияларга аъзоликдан холи бўлишини назарда тутувчи ҳуқуқий асослар мавжуд. Бу айрим мамлакатларда бевосита Конституция билан ҳал қилинган бўлса, айрим мамалакатларда эса Президентнинг президентлик даврида бирор бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслигини ўрнатувчи махсус қонунлар қабул қилиш билан ҳал қилинган.

Жумладан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, президент лавозимдаги даврида ҳар қандай партия аъзолигидан воз кечиши, Руминия Конституциясининг 84-моддасида, президентлик мандати даврида Президент бирор-бир партия аъзолигида бўла олмаслиги, Гретсия Конституциясининг 30-моддасида, Президент лавозимини бошқа ҳар қандай мансаб, машғулот ва касб билан қўшиб бажарилиши мумкин эмаслигини кўрсатилган.

Россия Федератсиясида ҳам Россия Президентининг бирор-бир сиёсий партияга мансублигини тақиқловчи қонун лойиҳаси тайёланиб, Давлат Думасига киритилган.

Хўш, давлат бошлиғининг сиёсий партияларга мансуб бўлмаслигини қандай ижобий жиҳатлари бор? Бизнингча, бу асосан икки нарса билан боғлиқ.

**Биринчидан,** Президент нафақат давлат бошлиғи, у шу билан бирга сиёсий ҳаётда ҳакам вазифасини ҳам бажаради. Президент мамлакатнинг сиёсий институтлари учун олий эканлиги баъзи мамлакатларнинг қонунларида бевосита ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган, жумладан, Гретсия Конституциясининг 30-моддасида «Президент Республика институтларининг ҳакамп ҳисобланади» — деб ёзиб қўйилган. Шундай ҳолат Франтсия Конституциясининг 5-моддасида ҳам мавжуд. Ана шу ҳакамлик вазифасини самарали бажаришда унинг бирон-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслиги ҳал қилувчи омилдир. Президент сиёсий партияларга мансуб бўлмагандагина улар ўртасидаги самарали рақобатда ҳакамлик қилиши, партиялар белгилаган йўл ва вазифаларнинг энг мақбулларидан сиёсий ҳаётда оқилона фойдаланиши мумкин. У партияга мансуб бўлмаганда уни бирон-бир партиянинг манфаати эмас, умумий манфаат қизиқтиради. Энг самарали ташаббус, йўл қайси партияга тегишли бўлса, шуни қўллаб-қувватлайди.

**Иккинчидан,** Президентнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги, турли партияларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг имконият яратади. Бошқа партиялар бу партия «Президент партияси» деган фикр таъсиридан холи бўлади. Сиёсий партияларнинг тенг мавқега эга бўлиши уларнинг ташаббускорлигини оширади. Ўз фаолиятида эркин, ҳеч кимнинг таъсирисиз ҳаракат қилишга имконият яратилади. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими шаклланаётган ҳозирги ўтиш даврида партиялар фаоллигини янада ошириш ҳамда давлат бошлиғини ҳар қандай сиёсий партиялардан холи қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг президентлик даврида сиёсий партияларга аъзо бўлишини тўхтатувчи Қонун қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу Ўзбекистонда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий жараёнларни янада демократлаштириш, ҳуқуқий, адолатли, фуқаролик жамиятини қуриш талаблари, ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли хусусиятлари билан тўла мос тушади.

**О. Т. ҲУСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси мудири, юридик фанлар доктори,**

**И. Э. ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Фалсафа» кафедрасининг мудири, сиёсий фанлар доктори**

Манбалар

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ МАФКУРАСИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИ

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига ҳадемай 5 йил тўлади. Лекин мустақиллик учун кураш тарихи узоқ йиллар, машаққатли даврлар, беҳад қурбонларни ўз ичига олади. Биргина аср бошларида истиқлол учун интилган ўнлаб ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, халқ ҳаракатларининг йирик намоёндалари кейинчалик, 20-30-йиллар оммавий қатллар қурбони бўлишди. Хўш, жуда катта куч сарфланди, жуда беқиёс ўзгаришлар учун замин яратилди, ана шу ишларга фидойи боболаримизни отлантирган, руҳлантирган мафкура нима эди? Қуйида шу ҳақда, яъни миллий тикланиш мафкурасининг тарихий манбалари хусусидаги мақолани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистоннинг суверен ривожланиш йўлига қадам қўйиши ўлка халқларининг озодлик ва мустақиллик учун узоқ йиллар давом этган кураши манбаларини идрок этишга, миллий уйғониш мафкурасининг шаклланиш тарихига давлат мустақиллигига замонавий ёриб чиқишни тайёрлаган омиллар сифатида қарашга кучли жамоатчилик қизиқишини уйғотди. Шўро даврида неча ўн йилликлар мобайнида Марказий Осиё халқларининг озодлик учун кураш саҳифалари ёхуд унутилди, ёхуд бузиб талқин этилди. Бугунги туб ўзгаришлар шароитида, тарихий ҳақиқатни тиклаш имкони юзага келган бир пайтда ҳам умуман миллий-озодлик ҳаракати, ҳам айрим ижтимоий-сиёсий оқимларининг тарихий жараёндаги ўрни ва ролига қайта баҳо бериш пайти келди. Тарихий тажрибалар кўрсатишича, жадидчилик миллий онгнинг ўсиши ва миллий уйғониш мафкурасининг юзага келиши ва ривожига ҳисса қўшган йирик ижтимоий-сиёсий оқимдир.

Жадидчилик, маълумки, Марказий Осиё ҳудудида ижтимоий ривожланишнинг туб бурилишлар босқичида юзага келди. Миллий ватанпарварларнинг мустамлака Туркистондаги чуқур инқирозли аҳволи, умумжаҳон жараёнларидан тобора орқада қолаётгани, маҳаллий аҳолининг ҳурфикрли интилишларини ҳар томонлама бостириш, иқтисодиёт ва маънавий соҳадаги турғунлик улар муҳитида жамиятни ислоҳ қилишни кечиктириб бўлмаслиги ғоялари юзага келишига туртки бўлди.

Бироқ бу ислоҳотчилик ҳаракати мураккаб ва тарихий қийин йўлни босиб ўтди. Жадидчилик жамиятнинг ривожланиши истиқболларига турли фалсафий ва дунёқарашга ёндошув масалаларида тўқнашувлар майдонига айланди. У жамият ривожланишининг асосий масалалари ва энг аввало, феодализм ва мустамлакачиликнинг таянч негизларидаги бузилишлар мафкураси моҳиятини идрок этиш бўйича ички жиҳатдан табақалана борди.

Жадидларнинг етилган ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг тадрижий- ислоҳотчилик тамойилларини ишлаб чиқиш, ижтимоий ўзгаришлар ва мустамлакачилик тузумини тугатишнинг энг самарали йўлларини танлаш борасидаги фаолияти уларнинг шак-шубҳасиз тарихий хизматидир.

Жадидчилик феодализм ва мустамлакачиликнинг туб негизларига очиқ-ойдин қарши турди. Анъанавий исломдан фарқли ўлароқ, у динни маънавий ва иқтисодий тараққиёт вазифаларига мослаб, мусулмончиликнинг баъзи эскирган қоидаларини ўзгартиришга интилди. Маҳаллий бозорни унинг йўлига ғов бўлувчилардан озод қилиш талаби миллий ва ижтимоий озодлик шиорларига,. жумладан, энг аввало — маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, миллий матбуотни яратиш, туб аҳоли ҳуқуқларини муҳофаза этиш масалаларига жалб этишга олиб келиши муқаррар эди.

**Жадидлар ўз халқини маърифатли, қуллик, хурофот, миллий маҳдудликдан озод ҳолда кўришни истаган. Миллий уйғониш тонгидаёқ улар Туркистон аҳолисини жаҳон сивилизасияси ютуқларига ошно этишнинг ўз йўлини таклиф этишади.** Бу йўл миллий ва диний маънавий қадриятларни рад этиш эмас, аксинча бундан кейинги ривожланиш ва тараққиётга халақит берувчи ақидалар ва хурофотлардан зўрликларсиз, секин-аста бўладиган ўзгаришлар, тозаланишлар воситаси асосида амалга оширишни кўзда тутарди.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ошиб боришига Шарқда аср бошида бошланган инқилобий ва ислоҳотчилик ҳаракати, шунингдек, шу муносабат билан мусулмон оламида юзага келган ўзаро алоқалар жуда катта таъсир кўрсатди. Кўплаб туркистонлик жадидларнинг мафкуравий қарашлари айнан қўшни Шарқ мамлакатларидан кириб келган ғоявий-сиёсий оқимлар, инқилоблар шабадаси таъсирида шаклланди. Туркистонда бу таълимотлар маҳаллий аҳоли учун тушунарли ва яқин бўлишига сабаб шу эдики, **улар асосида шарқона жамиятлар учун хос бўлган миллий мустақиллик ва ислоҳотчилик ғоялари мавжуд эди.**

Бу даврда Ўрта Осиё жадидларининг Туркия (ёш турклар), Татаристон, Бошқирдистон, Озарбойжон ва бошқа ўлкалардаги ғоявий ва сиёсий ҳамфикрлари билан бевосита алоқалар кучайиб борди. Айни пайтда шуни таъкидлаш кераккки, бу алоқалар бегона ғояларни шунчаки, тўғридан-тўғри кўчириш моҳиятини касб этмади. Мазкур ғоялар, шак-шубҳасиз, бутун бир миллий қадриятлар ва тасаввурлар призмасидан ўтган эди. Ўлкада ҳукм сурган кескин мустамлакачилик тузумига қарамай, жадидлар томонидан олиб борилган ишлар Туркистонда бундан кейинги сиёсий талабларнинг қатъий қилиб қўйилишида муҳим қадам бўлди.

Дастлаб фақат маърифатпарварлик, янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, доимий тарзда газеталар чиқариш, дарсликлар ёзиш, ғарб технологиясини тарғиб қилиш, Оврупо маданияти ютуқларидан фойдаланиш ва бошқалар билан шуғулланган жадидлар аста-секин миллий тикланиш вазифаларини мустамлакачилик зулми ва тобелигига барҳам берилганда, шунингдек, миллий бирлик асослари мустаҳкамлангандагина амалга ошириш мумкинлигига тушуниб етдилар.

Қўшни мусулмон мамлакатларидаги инқилобий жараёнларидан таъсирланган демократик кайфиятдаги туркистонлик зиёлилар расмий мустамлакачилик маъмурияти ва мусулмон «қадимчилари» қарашларига зид бўлган фикрларни очиқдан-очиқ айтиш даражасига етиб келди. Туркистонлик инқилобий кайфиятдаги ёшлар ўзларини **«ёш сартлар», «жадидлар» (яъни янгилик тарафдорлари), «тараққийпарварлар», «ёш бухороликлар» ва «ёш хиваликлар»** деб атай бошлади.

Албатта, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, жадидлар мустамлакачи халқлар миллий-озодлик кураши тажрибасини ўзлаштиришга ижодий ёндашдилар.

Жадидлар Европа мамлакатлари давлат қурилиши ва қонунчилигининг бой тажрибаси, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракати мафкураси ҳамда тактикасидан мамлакат шароитига мос келадиганини танлаб олдилар. Миллий зиёлиларнинг ғоявий ва ижтимоий-амалий фаолиятида сиёсий йўналишнинг кучайиши жадидларнинг фақат **маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва ижтимоий-сиёсий институтларни ислоҳ этиш, мустамлакачилик ҳамда феодализм занжирларидан озод қилиш** дастурини ёқловчиларга бўлиниб кетишига олиб келди.

1917 йил бошларига келиб тараққийпарварлар оқимини ташкил этувчи Туркистон жадидларининг радикал қисми бир қатор кенг сиёсий талабларни олдинга сурди. Улар орасида маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган, ўлкани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш, Давлат Думасидан тегишли миқдорда ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар ва, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, яккаҳокимиятчиликни конститутсия тузуми билан алмаштириш, феодал унсурларни чеклаш ва ҳоказолар бор эди.

1917 йилги феврал буржуа-демократик инқилоби Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг сиёсий уйғонишида, кенгайиб бораётган демократик жараёнларга бошчилик қилишга ўз интилишларини эълон қилган янги кучларнинг сиёсий майдонга чиқишида туб бурилиш босқичи бўлди. Унинг таъсири остида «Иттифоқ ал-муслимин», «Шўрои Исломия», «Шўрои уламо», «Турон» каби миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ташкил этилди, «Турон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Кенгаш», «Ҳуррият» ва бошқа янги газеталар нашр этила бошлади, уларда демократик кайфиятдаги миллий зиёлилар ва маҳаллий аҳолининг турли-туман қатламлари қарашлари ва манфаатлари акс эттирилди.

Ўзларининг илгариги фаолияти билан бу вазифага тайёр турган жадидлар миллий-демократик кучларни жипслаштирувчи ўзак бўлди. Улар 1917 йил феврал инқилоби, унинг демократик тамойилларига катта умид боғлашди, ўз идеаллари ва халқ мустақиллиги кенг жорий бўлишини кутишди. Жадидлар дастурий ҳужжатлар, амалий ишлар стратегия ва тактикасини фаол ишлаб чиқа бошлади.

Мамлакатда умумий шарт-шароит ўзгара бориши туфайли жадидлар мактаб таълими ислоҳоти масалалари билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий тузумни ислоҳ қилишнинг долзарб муаммоларини тобора фаолроқ кўтаришди. Улар мустамлакачиликни умумий ўткир танқид қилиб чиқишди, унинг илдизларини очиб ташлашди, давлат мустақиллигига эришиш ҳақидаги ғояни биринчи ўринга кўтаришди, илгариги конститутсия монархиясини қўллаб-қувватлаш ғоясидан бутунлай воз кечишди ва Туркистонга Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият берилиши учун чиқишди.

Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида миллий-ҳудудий мухторият тамойилларини амалга ошириш, хусусан, олий ҳокимият органлари, ўлка бошқаруви ва судларини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди, улар Туркистоннинг мустақил ваколатларини бажаришга — Туркистон Федератив Республикаси компетентсияси (ихтиёри), ўз давлат тузулмалари ва ҳоказоларни ташкил этишга оид масалалар бўйича қонунларни нашр этиши керак эди.

Республика бошқарувининг асос сифатидаги шакли деб танланди, демократик жамиятни шакллантириш устивор мақсад қилиб белгиланди, унда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши ва конститутсиявий кафолатланиши зарур қилиб қўйилди. Уларнинг ўша йиллардаги шак-шубҳасиз хизмати шунда бўлдики, Туркистондаги барча халқ ва элатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун олдида тенглиги ғояси илгари сурилди.

Шундай қилиб, 1917 йил октябрига келиб шаклланган жадидчилик энди ташкилий характер касб этди. Ўз мазмуни ва ғоявий йўналиши бўйича феодализм ва мустамлакачиликка қарши ҳаракат бўлган жадидчилик маданий-маърифий доирадан ўсиб чиқиб, маҳаллий аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси бўлган йирик сиёсий оқимга айланди. Туркистон ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий манфаатларини ҳаммадан устун қўйган жадидлар ўлкада миллий уйғониш ғояси қарор топиши учун тагзамин яратишди. Бунда жадидчиликнинг таниқли вакиллари — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Убайдулла Хўжаев, Ашурали Зоҳирий, Тошпўлат Норбўтабеков, Саидаҳмадхўжа Сиддиқий, Обиджон Маҳмудов, Тавалло ва бошқалар улкан ҳисса қўшдилар.

**Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ— БАХТИНГИЗ АСОСИ

**Боши биринчи бетда**

Юқорида айтилгани каби Нурота шаҳридаги мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ўқувчиларга икки йилдан бери «Иқтисодий билим ва меҳнатни ташкил этиш» фани 3 соатлик режа бўйича ўқитиляпти. Ўқувчилар шу фан сирлари негизи билан танишмоқдалар. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ўқувчилар бозор иқтисодиёти тушунчаларини, унинг шаклланиб бориши жараёни ва ҳаётга тадбиқ этиш йўллари билан танишмоқдалар. Шу ўқув дастур режасини фойдадан холи эмас-ку деб келтирмоқчиман:

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИ ЎҚУВ РЕЖАСИ:

1. Иқтисод фани нимани ўргатади?
2. Касб-ҳунар ўрганиш йўллари.
3. Халқ хўжалик тармоқлари.
4. Ишлаб чиқариш турлари:
а) металлургия
б) машинасозлик
в) қурилиш
г) деҳқончилик
д) чорвачилик
е) савдо ва умумий овқатланиш
ё) саноат, маҳаллий ҳунармандчилик
ж) транспорт ва алоқа
з) коммунал хизмат
и) енгил саноат
к) кончилик
5. Ишлаб чиқариш ва унинг элементлари:
а) меҳнат предмети
б) меҳнат воситалари
в) меҳнатнинг психологик ва физиологик асослари.
6. Корхоналар, ташкилотлар ва уларнинг тузилишлари.
7. Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари.
8. Агросаноат ишлаб чиқаришнинг ижтимоий иқтисодий моҳияти.
9. Меҳнат унумдорлиги, унинг факторлари ва ошириш имкониятлари.
10. Техника тараққиёти ва унинг асосий йўналишлари. Автоматлаштириш ва компютерлаштириш.
11. Меҳнат тақсимоти ва унинг турлари. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.
12. Корхонада иш вақти. Ишчи ва хизматчиларнинг иш вақти нормалари. Ишчи ва хизматчиларга белгиланган таътиллар.
13. Ойлик маош. Уларнинг турлари. Ойлик маошнинг ягона тариф сеткаси.
14. Ишчиларни мукофотлаш. Рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий факторлари.
15. Меҳнат интизоми. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси.
16. Маҳсулот сифати-кўрсаткичлари, уларни қайд этувчи ҳужжатлар. Сифат белгиси.
17. Иқтисод режими. Хўжалик ҳисоби.
18. Бозор иқтисодиёти нима?
19. Инфраструктура нима?
20. Бозор иқтисодиётидаги атамалар.
21. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.
22. Эркин тижорат, шартномавий ва давлат томонидан белгиланган нархлари.
23. Бюджет ва пул сиёсати. Қимматбаҳо қоғозлар.
24. Корхона фойдаси.
25. Солиқ тизими. Солиқ турлари:
а) даромад солиғи
б) фойда солиғи
в) ишчи ва хизматчилардан ушланадиган даромад солиғи
г) ер солиғи
д) сув солиғи
е) транспорт солиғи (от кучига қараб)
ё) мол-мулк солиғи
ж) қўшимча қиймат солиғи
з) давлат солиғи
и) ер ости қазилмаларини ишлаб чиқаришда солинадиган солиқ
к) аксиз солиғи (алкогол ва ювелир моллар учун).
26. Давлат тўловлари ва уларнинг турлари:
а) ДАН тўловлари
б) давлат мулки тўловлари
в) кредитор тўловлари
г) депонент тўловлари
д) ҳар хил жарималар
е) қишлоқ хўжалик техника назорат тўловлари.

Шу ўқув дастур орқали ёшлар ҳозирги кун талаби асосида бозор иқтисодиёти ҳамда иқтисодий билим асослари тушунчаларини оладилар деган умиддаман.

**Қаҳҳор РАҲМОНОВ,**
**Нурота шаҳридаги 1-ёшларга касб ўргатиш маркази директори, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи**

*МАРКАЗИЙ ОСИЁ худди бир вақтлар Марко Полони ўзига мафтун этгани сингари Швейцариялик саёҳатчи ва ёзувчи, ҳаётининг мазмунини саёҳат қилиш, мамлакатлар, халқлар ҳаётини ўрганишда деб билган Элла Майлларт хонимнинг ҳам хаёлларини занжирбанд этган, оҳанрабодек ўзига тортиб, сир-асрорлари ила унинг бутун вужудини сеҳрлаб қўйган. Бой-бадавлат оиладан чиққан, кўпгина мамлакатларни кезган бу хоним ниҳоят 1932 йилда Москвага, у ердан Туркистонга сафар қилади. От устида Қирғизистон чўлларини, бургут билан тулки, қуён овлайдиган овчилар диёрини айланиб чиқади. Туялар карвонига қўшилиб, изғирин шамолларни писанд қилмай Қизилкум саҳросини кесиб ўтади. Туркистондаги жуда кўп шаҳарларда бўлиб, мусулмон оилалар ва айниқса аёллар ҳаёти билан танишади, кўпгина ҳолларда уларнинг шодлик-қувончларию, ғам-андуҳларини бирга баҳам кўради. Ватанига қайтгач, барча таассуротларини жамлаб, қоғозга тушириб, «Туркистон Соло» (1934 й.), яъни «Туркистон оҳанглари» деган китоб яратади. Унда европаликлар учун қарийб афсонавий туюладиган, сир-синоатларга тўла Туркистон ҳам Майлларт хоним кўрган, эшитган ва ўзи гувоҳ бўлган воқеа-ю ҳодисалар ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилган. Қуйида эътиборингизга Майлларт хонимнинг Файзулла Хўжаев билан қилган суҳбатини ҳавола этмоқдамиз.*

Элла МАЙЛЛАРТ

(ШВЕЙЦАРИЯ)

# «ТУРКИСТОН ОҲАНГЛАРИ»

## ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ НИМА ДЕГАН ЭДИ?



**Ўзбек қизлари. Майлларт олган сурат.1932 йил.**

***

«Правда Востока»нинг муҳаррири ўзининг тўғридан тўғри Файзулла Хўжаевнинг қабулхонасига уланган телефони орқали у билан боғланиб, чет эллик бир хоним бир қанча саволлар билан унга мурожаат қилиш ниятида эканлигини айтди ва мен белгиланган вақтда унинг қабулига кирадиган бўлдим.

— Ортиқча тушунтиришларга вақт сафрлаб ўтирмаслик учун тилмоч ёлланг, — деди муҳаррир, — чунки сизга фақат ярим соат вақт ажратилди. Главхлопкомда, яъни пахтачилик бош қўмитасида инглиз ва француз тилларини яхши биладиган бир ходим бор. Ўша билан гаплашинг...

***

**УЛКАН ЗАЛ.** Ўртада Т шаклидаги катта стол. Тўрда Файзулла Хўжаев ўтирибди. Мен пойгароқдан жой олдим. Тўғри, мен хонага кириб келганимда у ўрнидан туриб мени қаршилади. Ўрта бўйли, тим қора кўзлари чарақлаб турган, боши ва юзи сал чўзиқроқ, эгнидаги костюми қорамтир бўлгани учун оқишдан келган ёноқлари янада ярқираб кўринаётган бу кишини театр ёки биронта салонда учратиб қолсам, албатта испаниялик бўлса керак деган хаёлга борардим.

— Анча ойлар давомида Қирғизистонда бўлдим, — гап бошладим мен. — Ўрта Осиёдаги турли-туман муаммолар билан танишдим, аҳволни ўз кўзим билан кўрдим. Бу муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида аниқ-тиниқ жавоб бера оладиган ягона киши сиз бўлсангиз керак деган ўйда сизга мурожаат қилишга қарор қилдим. Мени қабул қилганингиз учун катта раҳмат, энди саволга ўтадиган бўлсак, маҳаллий халқ ёрдамсиз ўзини ўзи идора эта оладими? Шу тўғрида нималар дея оласиз?

— Бунга узил-кесил жавоб бериш жуда қийин, чунки ҳали олдимизда улкан вазифалар турибди. Уларнинг асосий қисми эса ўз кадрларимизни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир. 1926 йилгача ҳукумат ишларининг ҳаммаси рус тилида олиб бориларди. Ҳозир эса қишлоқларда ҳам, марказий ташкилотларда ҳам ишлар ўзбек тилида олиб борилмоқда. Олий ўқув юртларида дарслар маҳаллий аҳоли тилида ўтказилмоқда.

— Ўзбеклар руслар қаршисида ўзларини қандай ҳис этадилар?

— Ҳозирги кунда ўзбеклар ҳар иккала давр ўртасидаги фарқни ва республикани ривожлантириш йўлида қилинаётган ишларни яққол кўриб турибдилар. Илгариги пайтларда ўзбеклар учун фақат рус мактаблари очилганини ҳам унутмаслик керак. Ҳукумат томонидан рухсат этилган дунёвий мактаблар илгари фақат Тошкентда бор эди. Барча давлат мактаблари ўшанда русларнинг диний назорати остида бўлган. Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлайдиган семинарнинг бошлиғи ҳам ўшанда Остроумов деган рус миссионери эди. Туркистонлик ўқитувчилар эса гарчи мусулмон фарзанди бўлишсада, сиёсий эътиқоди бўйича соф рус хизматчиларидан қолишмасдилар. Мустамлакачилик таъсири шунчалар кучли бўлган. Савдогарлар Волганинг бу тарафида фабрикалар қуриш ҳуқуқига эга бўлишмаган. Улар банклар билан фабрика эгалари ўртасида воситачи бўлишган холос. Рус деҳқонлари пахта экилмайдиган ҳудудларга сафарбар қилинган, лекин улар пахтачиликдан бутунлай бехабардирлар. Ўзбек деҳқонлари экин-тикин қиладиган ерлар эса аллақачон банклар мулкига айланиб бўлганди. Ҳукумат деҳқонларга ёрдам бермагани учун, деҳқонлар етиштирадиган ҳосилини икки-уч йил олдиндан банкларга сотардилар. Қурғоқчилик йиллари ҳамда табиат инжиқликлари туфайли ҳосил яхши бўлмай, деҳқонлар зиммаларига олган мажбуриятларини бажаролмай қолган ҳолларда уларнинг ерлари ўз-ўзидан банклар мулкига айланиб қоларди. Ҳозир эса ер халққа умрбод фойдаланиш учун бериб қўйилган. Ҳар бир халқнинг ўз миллати, тили, адабиёти ва театри бор.

«Болшевиклар ҳар қанақа динга қарши эканлигини, улар инқилобни амалга ошириш учун мусулмон уламоларининг кўнглини овлашга мажбур бўлишганини, мендан ҳам яхшироқ биласиз,» — ўйладим мен ичимда, сўнгра сўрадим:

— Осиёлик деҳқон коммунистик тузумда, совет тузумида ўзини қандай ҳис этмоқда?

— Биринчи навбатда улар ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ишлар амалга оширилиши лозимлигини кўриб турибдилар. Урф-одатлар ўртасидаги фарқ унчалар катта аҳамиятга эга эмас. Ўзбек деҳқонлари ҳеч қачон яккаҳол (индивидуалист) бўлишмаган.

— Кўп нарсаларга лоқайд қарайдиган Шарқ қандай қилиб коммунизм ғояларини ўзига сингдиролди экан?

— Бунга бутун бир коллективлаштириш даврини ўз ичига олган, ўзида мужассам этган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилди. Бу энди ўзига хос йўлкўрсаткич, яккаҳолликдан коммунизмга ўтишдаги зарурий бир босқичдир.

— Сиз ўзингиз-чи, сиз нега коммунист бўлдингиз?

— Ўн уч ёшга кирганимда раҳматли дадам вафот этдилар. У киши жуда бой-бадавлат бўлган. Шундан бир йил кейин мен миллий « Ёш Бухороликлар» йўлбошчисига айландим. 1917 йилда амирни, йирик заминдорликни йўқ қилишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйгандик, бироқ бу иш ёлғиз ўзимизнинг қўлимиздан келмасди. Иттифоқчилар топишимиз лозим эди. Шунда биз русларга мурожаат қилдик. Амир мени биринчи бор ўшанда қоралаб чиққанди, иккинчи мартаси эса 1918 йил кўзғолонидан кейин юз берди. Фуқаролар уруши даврида мен Россияда эдим. 1917 йилда Бухоро давлати бўлиниб кетганда, инглизлар амирга ёрдам беришди.

— Мишмишларга қараганда, сиз ҳам инглизларнинг хуфия ишлар ташкилоти учун ишлаган эмишсиз?

— Йўқ, адаштиряпсиз, мен эмас, 1918 йилдаги Қўқон мухториятининг ташки ишлар визири Убайдулла Хўжаев уларга хизмат қилган.

— Коммунизмга бутунлай қарши бўлган миллий ҳаракат бу ерда жуда хавфлими?

— Миллатчилар илк бор қулоқлар томонидан қўллаб-қувватланган босмачилик ҳаракати тепасига келишга ҳаракат қилдилар. Анвар пошшо ҳам улар билан боғланган эди. Аммо биз ўз режаларимизни, мақсадларимизни очиқ-ойдин баён қилиб берганимиздан кейин уларнинг таъсири анча пасайиб қолди.

— Тил, мактаб, театр ва адабиётни миллийлаштириш сизларни советлардан узоқлаштириб қўймайдими?

— Бизнинг советларимиз худди ўша миллийлаштиришнинг тепасида туришибди. Бу ҳол миллийлаштиришнинг миллий ривожланишга айланиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳаракатга биз ўзимизнинг алоҳида усулларимиз билан раҳбарлик қиламиз ва у бутун деҳқонлар ва ишчиларга хизмат қилади. Сталин айтганидек, шаклан миллий, мазмунан пролетар ёки келиб чиқиши миллий, мазмунан сотсиалистик маданиятни вужудга келтирамиз.

— Айтинг-чи, нега Эски шаҳарда ҳали ҳам қарийб барча аёллар паранжида юришади? Аёлларнинг ҳаётдаги мавқейини оширишга хизмат қиладиган ислоҳотларингиздан кейин аёллар аввалгидан бахтлироқ бўлишдими? Айтишларича, аёллар паранжини ташлаб, эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишганларидан кейин фоҳишалар кўпайиб кетишганмиш?

— Паранжидан қутулиш аёлларнинг қўлга киритган озодлигига кўпам алоқадор эмас, унга бир тимсол сифатида қараш мумкин холос. Бироқ унга жуда кўп урғу берилгани турли-туман оилавий можаролар келиб чиқишига сабаб бўлди. Энг муҳими эса, аёлларимизнинг мактабга қатнаш, мажлисларда иштирок этиш, бирон жойда ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олиб, ўз эрларига қарамликдан қутулиш имкониятига эга бўлганликларидадир. Тўғри, бундай имкониятларга, ҳуқуқларга эга бўлгач, ўзидан кетиб, босар-тусарини билмай қолган аёллар ҳам йўқ эмас, уларни тарбиялаш керак.

— Мени яна бир нарса қизиқтиради: қирғиз чорвадорлари ўтроқ ишчиларга айланишига ишонасизми?

— Албатта ишонаман. Улар қўлга киритишлари мумкин бўлган фойдали имкониятларни, яъни қаҳратон қиш пайтлари қирма-қир изғиб юришга мажбур бўлмасликларини, нон, шакар, этик, маош олишларини, ўтроқ ҳаётнинг бундан бошқа яна турли-туман неъматларидан баҳраманд бўлишларини англаб етишгач, албатта ишчига айланишади. Шу манфаатлар шарофатидан ўзбек деҳқонлари ҳам пахта планларини ошириб бажарадилар. 1916 йилда Марказий Осиёда 16 миллион пуд пахта етиштирилган ва 11 миллион пуд четдан келтирилган бўлса, ҳозир 30 миллон пуд пахта етиштираяпмиз. 1927 йилдаёқ биз урушдан аввал пахта экилган далалардан анча кўп ерга чигит қададик. ТуркСиб пахтамиз ўрнига берилган донларни етказиб бера бошлагандан бери тараққиётимиз анча илгарилаб кетди. Капиталистик пахта бозоридан тўлиқ халос бўлдик. Бу натижаларга албатта сотсиалистик мусобақа шарофати билан эришилди.

***

Шунда мен унга эҳтимол унинг ўзи ҳам жуда яхши биладиган бир масала бўйича эътироз билдирмоқчи бўлдим: Туркистон аҳолиси ҳозирги ўтиш, мосланиш даврида ҳаёт учун зарур бўлган кўпгина нарсаларга эга эмаслигидан ёки уларни жуда қийинчилик билан топаётганидан шикоят қилмоқда. Маҳаллий аҳолинингбаъзилари ўзини яна чорвадорликка, яъни кўчманчиликка уриб, ҳаёт шароитларини бироз бўлса-да яхшилаш йўлларини ахтармоқда, колхозларни ташлаб кетмоқда, чунки четдан келтириладиган буғдой барибир ҳаммага етмагани учун колхозлар берган ваъдаларининг устидан чиқолмаяптилар. Хўш, шунча миллион пуд пахта етиштирилган экан, нега пахта ёғи тақчил? Бир куни ярим кечада энг сўнгги трамвайга улгуролмай уйга пиёда кетаётганимда кооператив дўкон олдидаги йўлакда ўнлаб хотинларнинг ўтирганини кўриб қолдим. Тонг пайти эса дўконнинг очилишини кутиб ўтирган хотинлар юзга яқин эди. Уларнинг кўпчилиги паранжида, ҳар бирининг қўлида биттадан ёғ идиш бор эди. «Пахта ёғи олиш учун навбатда турибмиз», — тушунтиришди улар менга.

Энди гапиришга оғиз жуфтлаганимда Файзулла Хўжаев соатига қаради.

Ҳа, демак хайрлашиш фурсати етибди.

— Овқатланиб олмоқчи бўлсангиз, котибимдан илтимос қилинг. У сизга Совнарком ошхонаси учун қоғоз ёзиб беради, — деди у қўшимча тариқасида.

— Таклифингиз учун катта раҳмат, аммо мен бошқа бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим. Самарқандга учадиган самолётга битта билет топишнинг иложи бормикан? Жойлар ҳамиша олдиндан сотиб қўйиларкан, шунинг учун...

— Бу масалани ҳам котибим билан ҳал қиласиз.

***

Интервю ниҳоясига етди. Файзулла Хўжаев бутун суҳбат давомида расмий оҳангда гапирди. Гарчи биз анча гапларни ўзаро, тилмоч ёрдамисиз гаплашган бўлсак-да, ўртамизда ҳақиқий, тўғридан-тўғри мулоқ содир бўлмади. Қабулхонада Файзулла Хўжаев ҳузурига кириш учун навбат кутиб ўтирган йигирма чоғлик киши менга ғалати қараш қилиб қўйди. Катта залда мен оз эмас, кўп эмас, роса бир ярим соат бўлибман. Тилмоч ёрдамида барча ишлар саноқли дақиқаларда ҳал этилди. Котиб менга тайёрагоҳга бориб келиш учун машина ажратди ва Самарқандга билет олишим учун қоғоз ёзиб берди.

**Немис тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси**

***ТАҲРИРИЯТДАН. Элла Майллартнинг Файзулла Хўжаев билан қилган суҳбатидан бери неча ўн йилликлар ўтди. Замонлар ўзгарди. Ўзбекистон орзу қилинган миллий мустақилликка эришди. Ўз эрки, ихтиёри, иродасини қўлга олиб, одил элбоши етакчилигида янги ҳуқуқий демократик жамият қурмоқда. Бу суҳбатнинг бугунги аҳамияти қандай? Уни диққат билан ўқиган ҳар бир киши ўша тоталитар коммунистик тузум миллат, одамлар, уларнинг энг пешқадам вакиллари эркини тамомила бўғиб олганлиги, инсонни ихтиёрсиз қилиб қўйганлиги, ихтиёр, эрк, ҳуқуқлар ўрнида коммунистик сохталик, ёлғон, вайсақилик авж олиб бораётганлигини жуда яхши англатади. Файзулла Хўжаевдай миллат дарди, омолини яхши билган инсон ҳам, Майллартнинг «Осиёлик деҳқон ўзини коммунистик тузумда қандай тутмоқда?»—деган қизиқ саволига жавоб беролмай қийналади, ростини айтолмайди, ёлғонлашни эса ўзига эп кўрмайди. Натижада саволни қуруқ сўзлар билан хаспўшлайди. Худди шунингдек, у мухбирнинг «Шарқ қандай қилиб коммунизм ғояларни ўзига сингдиролди экан?»—деган саволига ҳам ўша умумий сўзлар билан қисқа жавоб беради. Ахир, у «Шарқ ҳеч қачон коммунизмни ўзига ҳазм қилолмайди. Бу инсоният табиати, тараққиётига тамомила зид ва сохта, зўрланган ғоя», деб айта олармиди! Худди шунингдек, у «нега коммунист бўлдингиз?»—деган саволдан ҳам қочади. Гапни бошқа нарсаларга буради. Булар бари у қанчалар тазйиқ остида ишлаганлигини яхши англатарди. Суҳбат шундай жиҳатлари билан ҳам бугунги кун ўқувчисини мулоҳазага, ўйловга чорлайди.***

Муиниддин НАТАНЗИЙ

# Мунтахаб ут-таворихи муиний



## СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ИЛК МАРТА ДАШТИ ҚИПЧОҚ ТОМОНГА ОТЛАНГАНИ ЗИКРИ ВА УЛ МУБОРАК ФАТҲ ТАФСИЛОТЛАРИ

Чунончи, аввал зикр қилиб ўтилганидек, Тўхтамиш бир неча марта ҳазрат Султон Соҳибқиронга нисбатан жуда ёмон беадабликларни такроран содир этди. Ҳазрат Соҳибқирон элчилар ва мактублар орқали унга ўзининг қадимий ҳуқуқларини ҳар қанча эслатиб, ваъзу насиҳатлар ёзиб юборсада, булар унга кор қилмади. Онҳазрат заруратдан тайёргарлик кўриб, Тўхтамишга қарши отланмоқчи бўлди. У лашкарларни қисқа муддатда жам қилди ва икки йилга етарлик аслаҳа ва анжом билан сафар чодирини тикди. Чунончи, етти юз тўқсон учинчи (1390-91) йил сафар ойининг ўнинчисида пайшанба куни ўғрукни Тошкенддан орқага қайтариб, ўзи лашкар билан Дашти Қипчоққа жўнади. Қаросомон қабасига келиб тушганида Тўхтамишнинг элчиси келиб, унинг узр ва шафоатлар сўраб хушомадгўйлик билан ёзилган мактубларини етказди. Султон Соҳибқирон Тўхтамишнинг мактубларига эътибор назари билан қарамади ва таваккал қилиб йўлга тушди. Ул элчилардан ҳар бирини битта туманга ғажарчи қилиб йўлда давом этишди. Сафар асносида Идикунинг навкарларидан бири қочиб кетди ва лашкар келаётганлиги ҳақида Тўхтамишга хабар қилди. Улуғтоққа етгач, Султон Соҳибқирон лашкарга эни ва бўйи ўттиз фарсанг бўлган ҳудудда шикор қилдирди. Қамарғадан сўнг ҳазрат саркардалардан лашкар сонини талаб қилди ва сонни тўғри олиб борган амирлар ва сардорларнинг ҳар бирига мартабасига яраша навозишлар қилди. Шундан сўнг Султон Соҳибқирон лашкар муқаддимаси учун қоровуллар тайин этди. Улар уч-тўрт жойда гулхан қолдиқларини кўриб қолиб, дарҳол ҳазратга маълум қилишди. Султон Соҳибқирон бир неча отлиққа гулханлар ўрни бўлган жойлар атрофларини кўздан кечириб чиқишни буюрди. Улар яна ўн бешта гулхан ўрнини топишди. Шундан кейин бир қанча нозик жойларда катта ишларни бажариб ўзини кўрсатган «тил» ушловчилар иштиёқ билан теварак-атрофни булғомиши17 қилиш учун саҳро бўйлаб тарқаб кетишди. Улардан бир гуруҳи ул саҳро ўртасида бир неча олочиқларда одамлар турганлигини кўриб қолишди. Кечаси биронтасини қўлга олиб ким эканликларини аниқлаш учун пистирма қуришди. Иттифоқан, бир киши пистирмада турганлар ёнига ўзи келиб қолган эди, ушлаб даргоҳга келтиришди. У одам деди: «Қарийб бир ойдирки биз ўрдудан ажралиб қолганмиз ва ҳозир унинг қаердалигини билмаймиз». Султон Соҳибқирон эҳтиёт юзасидан олочиқда яшаётган одамларни лашкар орқасига кўчириш ҳақида фармон берди.

Ёйиқ дарёсига етиб келишганида унинг учта кечиб ўтадиган жойи бор эди: бири Айғир ёли, иккинчиси Бўркечик ва учинчиси Чопмакечик. Шу учта кечув мавжудлигига қарамасдан, онҳазрат амрига кўра лашкар ҳалигача ҳеч бир жонзод кечиб ўтмаган бир жойдан таваккал қилиб бу қутурган дарёни кечиб ўтди. Самур дарёсининг қирғоғига етиб боришганида қоровуллар жуда кўп отларнинг туёқ товушларини эшитиб онҳазратга хабар қилишди. Улардан сўнг «тил» ушловчилар ҳам бир одамни даргоҳга келтиришди. У одам шуларни айтиб берди: «Шу пайтгача сизларнинг етиб келганингиз ҳақида бирон хабар йўқ эди. Идикунинг навкари келгачгина бу нарса маълум бўлди. Ўша кундан бугунгача бизнинг лашкаримиз ҳам жам бўлди. У сизларникидан икки баробар кўп бўлса ҳам ажаб эмас. Тўхтамиш Ёйиқ дарёсининг кечувларини сизларга бекитмоқчи эди. Йўлсиз бир жойдан кечиб ўтаётганингизни эшитгач эса, сизларга халақит беришга улгурмади».

Шундан сўнг Султон Соҳибқирон «лашкарлар куронларнинг теварагини чапар, говсипар ва хандақ билан мустаҳкамласинлар» деб фармон берди. Ногоҳ қоровуллар узоқдан учта қўшун қораси пайдо бўлганлигини хабар қилишди. Ўша куни жиба тарқатилди ва жангчиларга укулка ва яхши ваъдалар бериб кўнгилларини олишди. Шундан сўнг Султон Соҳибқирон ўзи қоровулгоҳга борди. Қоровул илғори бўлган гуруҳ бир кишини ушлаб келтиришди. У одам шуларни айтиб берди: «Биз сизнинг лашкарингиз қутсизлик (озиқ-овқатсиз қолиш)дан қувватсиз бўлиб қолди, деб эшитгандик. Тўхтамиш сизларни олдинроққа судрамоқчи. У шундай қиладики, сиз ўз-ўзингиздан тўзғиб кетасиз» Шундан сўнг «ҳеч ким тунда олов ёқмасин ва шом намозидан кейин ҳеч бир жонзод курондан ташқари чиқмасин» деган фармон берилди.

Султон Соҳибқирон Мубашширни душман ҳақидаги хабарни текшириш учун олдинга жўнатди. Унинг йўли бир чангалзор ичкарисига тушиб қолди. Бу ерда ногаҳон ғовур-ғувур овозлар қулоғига чалинди. Мубашшир навкарларни жойида қолдириб, ўзи текшириш учун олдинроққа келди. У ерда турган қавмнинг сонини ўз қўли остидагилардан камроқ деб мушоҳада қилиб, уларнинг устига ташланди. Шу бир ҳамланинг ўзидаёқ у қирқ кишини асир қилиб ҳазрат олдига келтирди. Улар шуни айтиб беришди: «Лашкарнинг муайян қилинган булжори Қараҳкўлда эди. Шу сабабли биз бу ерга етиб келдик. Уларнинг (яъни қолган лашкарнинг) кеч қолиш сабаблари бизга маълум эмас». Шундан сўнг Султон Соҳибқирон Жалол ибн Ҳамидни Сойинтемур, Мули ва Рағно тархон билан олдинга жўнатиб буюрдиким, агар уларга душман дуч келиб қолса, эҳтиёт бўлишсин ва ўзларидан кам бўлмаса, унга ҳужум қилишмасин. Душман сони ошиқ бўлса, ғулга қайтиб келишсин.

Иттифоқан, уларнинг қаршисидан жуда кўп одамлар чиқиб қолди. Сойинтемур олдинга юриб қоровуллар одатига кўра улар билан сўзлашди ва Малини даргоҳга қайтариб борди. Султон Соҳибқирон Ику Темурни қўл остидаги туман билан уларга мададга жўнатди. Тасодифан йўлда иккита катта ботқоқлик бор эди. Ҳар иккаласидан ўтиб, яна бир оз олдинроққа юришди. Қоровуллар илғори бир тепалик устида турган ёғий қоровуллари қорасини кўриб ботирларча олға юришди. Ёғий қоровуллари қайтиб кетишди. Улар ул жамоат (яъни душман қоровуллари)нинг жойида туриб атрофга назар солишди ва бир дарада қарийб ўттиз қўшунга яқин мукаммал қуролланган жангчилар пистирмада туришганини кўришди. Бир киши Ику Темурга юбориб хабар қилишди: «Душман сони бизникидан бир неча баробар ошиқ. Яроқ шуки, ўз одамларимизни ботқоқликдан ўтказиб орқага чекинайлик». Ёғий қоровуллари ҳам уларнинг қорасини чоғломиши қилган эдилар. Дарҳол пистирмадан чиқиб ҳамла қилишди. Ику Темур қаттиқ саъй-ҳаракатлар қилди. Кетма-кет учта отига ўқ тегиб йиқилгач, у пиёда туриб жанг қилди. Унинг саркардалигини билмасдан ўлдиришди. Рамазонхожа ҳам ушбу жангда шаҳодат топди.

Ушбу мағлубият пайтида Султон Соҳибқирон шахсан ўзи етиб келди ва бу ҳолдан воқиф бўлиши биланоқ ёғий лашкари тўзғиб кетди. Шу тариқа беш кун давомида ҳар куни Тўхтамиш қорасини кўрсатиб, чиғатой лашкарини ўзи тарафга тортар ва бир манзил орқага чекинарди. Олтинчи куни тонг муқаддимаси толеъ машриқидан зоҳир бўлганда, Тўхтамиш жаҳонни тўлдирувчи лашкарни жанговар сафга тизиб, Бесутун тоғидек тўхтади. Султон Соҳибқирон ҳам унинг муқобаласида тўққизта ғулни ростлади. Биринчи ғулда подшоҳ Султон Маҳмудни Сулаймоншоҳ билан бирга қўйди.

Иккинчи ғулни амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгирга берди. Учинчи ғулни амирзода Мироншоҳга номзод қилиб, Муҳаммад Султоншоҳни ушбу ғул ҳировулига бош этиб тайинлади. Жавонғор ғулини амирзода Умаршайхга топшириб, бу ғул қанбулини Худойдод Ҳусайнийга бириктирди. Онҳазратнинг ўзи асл ғулда чодирлар тикиб жойлашиб олди.

Бу улуғ жанг қўй йилига мутобиқ бўлган етти юз тўқсон учинчи санада ражаб ойининг ўн бешинчи куни (1391 йил, 18 июн)да бўлиб ўтди. Даставвал Ҳожи Сафиддин баронғор қанбулидан ҳамла қилди ва ёғий жавонғорининг қанбулини жойидан қўзғатди. У билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилган Жаҳоншоҳ баҳодир ҳам ўз қаршисида турган ғанимни тўзғитди. Ундан сўнг амирзода Мироншоҳ ҳам қаршисидаги ғанимни мағлуб этди.

Ушбу маърака содир бўлишидан олдин, чиғатой лашкарининг умиди қалъаси амирзода Умаршайх қиличи зарби ҳимоясида метин-мустаҳкам эканлиги ҳақида Тўхтамиш кўп бора эшитганди. Шунинг учун ном ва номус деб курашмоқ ниятида бўлган барча одамларини атрофига тўплаб, амирзода Умаршайх қўл остидаги ғулга ўзи ғаним бўлди. Тўхтамиш амирзода Умаршайх турган жойни аниқ билмасдан сулдуз тумани устига ташланди ва бир ҳамладаёқ от, туя, одам ва ҳайвонлар — барчасини от туёқлари остида топтаб тор-мор келтирди. Султон ғозий ҳаракат жиловини қўйиб юбориб ўзининг катта ғулини жанггоҳга киритганида, амирзода Умаршайх олдидан бир киши етиб келди ва сулдуз тумани аҳволи хароб бўлгани ҳамда Тўхтамишнинг жавонғор ғули орқасига ўтиб олганини маълум қилди. Амирзода Умаршайх маккор душман муқобаласида ёсол тортиб, жон-жаҳди билан жангу жадалга машғул бўлган бир пайтда, ногоҳ Султони ғозий катта ғулнинг барча туманлари билан мадад юзини ўша тарафга қаратди. Ғалаба шиори байроқлар етиб келишидан олдинроқ амирзода Умаршайх жаҳонни фатҳ қилувчи қилич ва метин тошни ҳам кукун қиладиган гурзи зарбаси билан душманнинг оёғини жойидан қўзғатган эди. Ушбу олатасир олишув пайтида Тўхтамиш бу катта «ов»нинг қамарғаси доираси уни чор атрофдан қуршаб олганини кўргач, Дашти Қипчоқ тахти фано бўлганига фано чаҳор такбирини ўқиб, қарор жиловини қочиш қўлига тутқазди. Унинг ҳақношунослиги ва кўрнамаклиги касофатидан ул улуснинг бир неча йил давом этган барқарорлиги ва мустаҳкамлиги барбод бўлди. Шундан сўнг Дашти Қипчоқнинг ҳарир либос кийган кумуш болдирли гўзаллари нолаю зорни айланувчи фалакка етказдилар. Саройининг сузук кўзли нозанинлари иффат саропардасидан чиқиб, хорлик ва муҳтожлик тупроғига беландилар. Ўзбек пойтахти бошдан оёқ чиғатой лашкари пойи остида ер билан яксон бўлди. Чунончи, бир кунлик овқатини топишга қодир бўлмаган энг охирги пиёда ўнлаб сурувнинг эгаси бўлиб қолди. Олдин бир динср ҳам пули бўлмаган отлиқларнинг энг ҳақири шоҳона хазинани қўлга киритди. Тўқнашув арафасда бир ратл арпа уни бир ман соф кумушдан кам турмасди. Бу ғалаба муяссар бўлганидан тўрт соат кейин эса қўйни бир дирҳам ёки ўнта отни бир динорга ҳеч ким сотиб олмасди.

Лашкар амирлик ва вилоятлар сардорлари ушбу фатҳни муборакбод этиш учун қимматбаҳо туҳфалар ва рангин совғаларни ҳумоюн даргоҳга пешкаш қилишди. Султон Соҳибқирон уларни бирма-бир кўрсатган хизматларига қараб суюрғоллар ва инъомлар билан сарафроз қилди. Онҳазрат Темур Қутлуғ ўғлон ва Идикуни бисёр навошишлар билан шод этиб, ўз қавм ва қабилаларига бошчилик этишга тайинлади. Ул ҳароннамаклар ўзларини бир чеккага тортиб, худди Тўхтамиш каби ўзбек улуси ҳаққига (яъни эвазига) кўрнамаклик тангасини тошга ўйилган нақшдек зарб эта бошладилар. Султон Соҳибқирон уларнинг аҳдларидан қайтишганига аҳамият бермасдан, ўлжалар билан соғ-саломат орқага қайтди.

Ушбу юриш асносида Қамариддин бадкорлик қилиш учун фурсатдан фойдаланиб Ўзкенд тумани устига келган эди. У бир неча қишлоқни талаб Мўғулистонга қайтиб кетди. Амирзода Умаршайх йўл ярмидаёқ кичик бир гуруҳ билан лашкардан ажраб, шаҳзодалар билан тезроқ мулоқот қилиш орзусида илғор тарзида от чоптирди. Чунончи, ғоятда шошганидан бошқалардан ўзиб, Андигонга бир ўзи етиб келди. Унинг муборак пойқадами шарофатидан маҳзунлик ва ғам-ғусса шодлик ва фароғатга мубаддал бўлиб, жунбўшга келган вилоятда барқарорлик ўрнатилди. Бир неча кундан сўнг лашкарнинг баъзи қисмлари етиб келгач, амирзода Умаршайх Қамариддиннинг бу қилмиши учун интиқом олиш мақсадида Мўғулистонга жўнади ва ул улусни тавбасига таянтирди. Ҳар бир қўй эвазига бир сурув, ҳар бир одам ўрнига бир гуруҳ кишини асирга олиб қайтиб келди. Султон Соҳибқирон доруссалтана Самарқандга келиб тушгач, катта тўйлар ўтказиш тараддудига тушди ва ўз невараларини муносиб қайлиқларга уйлантирди. Шундан сўнг онҳазрат қарийб бир йил мобайнида муборак вақтини бутунича айш ва чарғолангга сарф қилди.

**Форс тилидан Ғулом КАРИМ таржимаси**

***1. Ўғруқ — лашкарнинг аравалар, чодирлар ва заҳиралар жойлашган орт қисми. Аёллар ва болалар ҳам ўғруқда бўлишган.***

***2. Ғажарчи — йўл кўрсатувчи.***

***3. Сон — лашкардаги аскарлар рўйхати ва адади.***

***4. Булғомиши — жосуслик.***

***5. Ёйиқ — ҳозирги Урал дарёси.***

***6. Говсипар — ҳўкиз терисидан ясалган катта қалқон.***

***7. Жиба (ёки жейба) — совут.***

***8. Укулка — лашкар руҳини кўратиш учун жанг олдидан аскарларга бериладиган пул.***

***9. Чоғломиши — душман лашкари сонини кўз билан чамалаб тахминан аниқламоқ***

***10. Ғул сўзи бу ўринда йирик аскарий қўшилма, яъни «корпус» маъносидадир.***

***11. Суюрқотмишхон вафот этганидан сўнг Амир Темур унинг ўғли Султон Маҳмудни номига хон қилиб кўтарган.***

***12. Ҳировул — олд қисм.***

***13. Асл ғул деганда қўшин маркази назарда тутилмоқда.***

***14. Сулдуз — Чиғатой улусидаги катта қабилалардан бирининг номи.***

***15. «Фано чаҳор такбирини ўқимоқ» ибораси кўчма маънода «видолашмоқ»дир.***

***16. Олтин Ўрда пойтахти бўлган Сарой шаҳри назарда тутилмоқда.***

***17. Бу асар ва бошқа баъзи манбаларда Олтин Ўрда давлати (бошқа номлари Жўжи Улуси, Дашти Қипчоқ ва ҳоказо) айрим ўринларда «Ўзбек улуси» ва Тўхтамиш қўшини «ўзбек лашкари» деб аталган. Ўзбек этнонимининг келиб чиқиши ҳамда турли тарихий давр ва жуғрофий ҳудудларда қўлланиши масаласи ҳалигача илмий асосда чуқур ва атрофлича тадқиқ этилмаган 18, 19. Ратл ва ман оғирлик ўлчовлари бўлиб, турли давр ва ҳудудларда уларнинг миқдори ўзгариб турган.***

***20. Сарғоланг — ўйин-кулгу, хурсандчилик.***

# ХАЙРЛИ ИШДАН ЧЕТДА ТУРМАНГ

Қийинчиликка учраган одамга ёрдам қўлини чўзиб унга арзимаган кўмак берган тақдирингизда ҳам сиз у учун бир умрга энг ажойиб инсонлардан бўлиб қоласиз. Чунки ўз ёрдамингиз билан унга далда бўлдингиз, иккиланишдан халос қилдингиз, керак бўлса елкадош бўлдингиз ва ҳоказо... аслида ҳамма одамлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзиб яшаса-ку, жамиятда аллақачон инсонийлик инқилоби рўй берган бўлур эди. Атрофга назар ташласангиз, ёрдамга муҳтож одамлар, ташкилотлар йўқ эмас.

Мен таърифлаб бермоқчи бўлган пойтахтимизнинг Гогол кўчасида жойлашган 108-боғча ҳам шундай ёрдамга муҳтож масканлардан. Тили чучук болалар учун қурилган бу боғчанинг ишга тушганига роппа-роса 40 йил бўлди. Шу вақт мобайнида боғча жуда ҳам кўп қийинчиликларни кўрди. Дудуқ бўлиб келган болалар дудуқлигича қолаверишди. Чунки шунча йил давомида боғчага бирор кучли шифокор ишга келмади. Ҳозирда ўша оғир кезларни эслаб Алла Алексеевна (боғча мудираси) қандайдир оғир хўрсиниб қўядилар. У кишини тушуниш мумкин албатта. Ахир ўзингиз ўйланг, 100 нафар қоракўз сизга умид кўзлари билан боқиб турса-ю, сиз бўлсангиз уларга ёрдам бера олмасангиз. Лекин ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, дейишганидек, бу боғча бошига ҳам яхши кунлар келди. Уч-тўрт ҳомий топилди ва ана шу ҳомийлар ёрдамида ўзини тиклаб олди. Хўш, ким экан бу ҳомийлар. Албатта улар нокамтарлик бўлади деб ўз номларини газеталарда эълон қилинишини исташмайди. Лекин бу нокамтарлик эмас, ҳамма билиши шарт буни.

«UZMAL OIL» фирмаси бу боғча учун 2000 сўм, «ЎзБУМ» аксионерлик уюшмаси 50000 сўм пул ажратди. Боғчани қайта таъмирлаш учун «ТашЖИЛПРОЕКТ» жамоаси 100.000 сўм пул беради. ОООНПО «Кибернетика» 10.000 сўм пул ва энг муҳими республикадаги энг етакчи психоневрологни боғчага олиб келишни ва уни ойлик маоши билан таъминлашни ўз бўйнига олди. «Парвоз—И» жамоаси болалар учун кўйлаклар тақдим этди. «Савдо Қурувчи» корхонаси эса боғчани қурилиш жиҳозлари билан таъминлади. 40 йил давомида лой босиб ётган йўлакка ўз номини маълум қилишни истамаган инсонлар томонидан асфалт ётқизилди.

Шуларни ўйлар эканман, ҳали диёнатли, меҳр-оқибатли одамлар кўплигидан бошим осмонга етади. Аллоҳ ўзи уларни қувватлайди, йўлларини ёруғ қилади. Боғча эса шу инсонлар ёрдамида қаддини ростлаб олади. Лекин боғчага ҳамиша уни қўллаб турувчи ҳомий керак. Ўйлаймизки, корхона, муассаса ва фирма эгалари бундай хайрли ишдан бош тортмайдилар. Боғчанинг манзили: Тошкент шаҳри, Гогол кўчаси, 64-уй, 108-махсус болалар боғчаси.

**Хуршида ПОЛВОНОВА**

